

Араб дунёси аҳолисининг учдан бир қисми очликдан азият чекмоқда



13:30 / 22.12.2021 1906

Араб дунёсидаги 420 миллион кишининг учдан бир қисми тўғри овқатланишдан маҳрум бўлиб, сўнгги 20 йил ичида араб мамлакатларида очликдан азият чекаётганлар сони 91,1 фоизга ошган. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳисоботида айтилди.

Очликнинг асосий сабаблари орасида қуролли тўқнашувлар, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий кескинликлар ва бошқа ғалаёнлар бор.

Ҳужжатга кўра, можаролардан жабр кўрган Яман ва Сомалида кўпчилик одамлар тўйиб овқатланмайди.

«Аввалгидек, можаролар минтақадаги очликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда, можаролар содир бўлган мамлакат ва худудларда қарийб 53,4 миллион киши очликдан азият чекмоқда. Бу можаролардан ҳоли мамлакатлардагига қараганда олти баравар кўпдир», дейди ФАО бош директори ўринбосари, яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйича минтақаси вакили Абдел Ҳаким ал-Ваер.

Унинг сўзларига кўра, жорий йилнинг сўнгида, айтарли яхшиланиш аломатлари йўқ, чунки очликнинг тарқалишига ёрдам берадиган асосий омиллар вазиятни ёмонлаштириш учун ишлашда давом этмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади